



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

NAVOIY DAVLAT UNIVERSITETI

**RENESSANS KONTEKSTIDA MARKAZIY OSIYONING
ILMIY-MA'NAVIY MEROSI**

Xalqaro ilmiy konferensiya materiallari

**НАУЧНО-ДУХОВНОЕ НАСЛЕДИЕ ЦЕНТРАЛЬНОЙ
АЗИИ В КОНТЕКСТЕ РЕНЕССАНСА**
Материалы международной научной конференции

**SCIENTIFIC AND SPIRITUAL HERITAGE OF CENTRAL
ASIA IN THE CONTEXT OF THE RENAISSANCE**
Of the international scientific conference



**10.04.2025,
Navoiy shahri**

Mazkur to‘plam O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 27-dekabrdagi №490-sonli buyrug‘i asosida sonli farmoyishi asosida tasdiqlangan “**Renessans kontekstida markaziy osiyoning ilmiy-ma’naviy merosi**” mavzusidagi Xalqaro ilmiy konferensiya materiallaridan iborat.

To‘plamda Markaziy Osiyoda Uyg‘onish davrida Markaziy Osiyoda yashab ijod etgan buyuk mutafakkirlarning falsafiy, tabiiy-ilmiy, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-xuquqiy va ma’naviy-diniy qarash va g‘oyalarning sivilizatsion ahamiyati va insoniyat tarixidagi substonsional mohiyati ochib berilgan, turli fan sohasi vakillarining tahliliy materiallari jamlangan.

Xalqaro ilmiy konferensiya maqolalar to‘plamini tayyorlash uchun mas’ullar

Mas’ul muharrir: Nigora Safarova, falsafa fanlari doktori,
professor NavDU Ijtimoiy fanlar kafedrasi mudiri

Taqrizchilar: Elyor Karimov, tarix fanlari doktori, professor. Nyu York Xofstra universiteti professori (AQSH) YUNESKOning Butunjahon yodgorliklari hujjatli merosini himoya qilish qo‘mitasi a’zosi

Shahnoza Madayeva, falsafa fanlari doktori, professor
O‘zbekiston Milliy universiteti falsafa va mantiq kafedrasi mudiri

Muharrirlar: Nigina Shamsutdinova DSc,
NavDU Ijtimoiy fanlar kafedrasi dotsenti
Mirzohid Norqobilov PhD,
NavDU O‘zbekiston tarixi kafedrasi dotsenti

Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.

© Navoiy Davlat universiteti, 2025

1. Prezident Islom Karimovning “O‘rta asrlar Sharq allomalari va mutafakkirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojidadagi roli va ahamiyati” mavzusidagi xalqaro konferensiyaning ochilish marosimidagi nutqi (16- May 2014)
2. Ma’naviyat yulduzlari. - T.: “Abdulla Qodiriy nomidagi nashriyot”, 1999.
3. Buyuk siymolar, allomalar (uch kitob). –T.: Meros, 1995. 1996. 1998
4. www.ziyonet.uz

ЎЗБЕКИСТОНЛИК “МЕХНАТ АРМИЯЧИЛАРИ”НИНГ МАЪРИФИЙ-ТАРҒИБОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ

Курбанов Хуршид Раупович-

Навоий давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди

Annotation. The article analyzes on a scientific basis the propaganda work carried out among military personnel who worked in construction and industrial enterprises of the Urals during the Great Patriotic War, to develop their diligence and patriotism, the use of the domestic press, and interest in reading.

Keywords. Labor soldiers, conditions, propaganda, teahouses, construction, industrial enterprises, hard work, press, reading, World War II, contribution to victory.

Иттифок Мудофаа Қўмитасининг 1942 йил 14 октябрдаги №2414-сонли “ўта махфий” қарори билан Ўзбекистондан 150 минг киши Урал ҳудудларидаги ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарига ишлаш учун сафарбар этилди. Улар 110 дан ортиқ ишлаб чиқариш, қурилиш ва саноат объектларида оғир меҳнат қилдилар. [1]

Сафарбар этилганлар орасида оммавий-маданий тадбирлар, айниқса тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиш ҳам йўлга қўйилган. Бу тадбирларга ВКП(б) партия қўмиталарининг йўриқчилари ва тарғибот-ташвиқот бўлимлари бошлиқлари масъул бўлиб, бюро ва пленумларга ҳисобот бериб борилган. Тадбирларда ўз уйидан узоқда бўлган ишчиларга меҳнат самарадорлиги ва мажбурияти, жаҳон урушида ғалаба қилиш учун меҳнат қилиш лозимлиги тушунтирилиб, миллатларнинг анъана, одатлари, яшаш тарзи, уларнинг маълумот даражаси, тилни билиши ва бошқа кадриятлари бирмунча инобатга олинган. Бу каби тадбирлар асосан, 1943 йилнинг баҳоридан ҳар бир ётоқхона ёки кўрғон ҳудудида ташкил қилинадиган миллий чойхоналарда ўтказилган. Учрашув ва суҳбатлар самовар, кўк чой устида, шарқ анъаналарига биноан ташкил қилиниб, ишчилардан тузилган миллий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари ҳам бўлиб турган. Бу вақтда кўплаб қурилиш заводларида маҳаллий чойхоналар тикланган. Масалан, Челябинсметаллсаноати қурилиш бошқармаси №5-қурилиш отрядида ишлаган меҳнат армиячилари учун “Қизил чойхона”лар очилган [2].

Чойхоналар нафақат дам олиш жойи балки, мамлакат ҳаётида рўй бераётган воқеа ва янгиликлардан хабардор бўладиган, ҳатто бадий адабиётларни мутолаа қиладиган доимий жойга айланган. Меҳнат армиячиларининг бораётган ҳарбий-сиёсий жараёнларни миллий тилларида эшитиш ва ўқишлари учун Челябинск вилояти корхоналари номига Ўзбекистондан ҳар ойда газеталар юборилган.

Газеталардан ташқари Жанубий Уралнинг 17 та корхонасининг 55 та кутубхонасида Ўзбекистонда Икинчи жаҳон уруши йилларида нашр қилинган даврий адабиётлардан мавжуд бўлган. 1943 йилнинг май ойидан бошлаб ўзбекистонлик меҳнат армиячилари ишлайдиган Иттифокнинг қолган вилоятларига жами 7460 нусхада ўзбекча “Қизил Ўзбекистон”, ҳамда 1500 нусхада рус тилидаги “Правда востока” газетаси юборилган [3].

Бу даврда ҳудудда маҳаллий даврий нашрлар ҳам чоп этилиб, “Челябинский рабочий”, “Магнитогорский рабочий”, “Электросплав”, “За сталинский металл”, “Орский рабочий”, “Гвардеец труда” каби газеталар, бундан ташқари, “Челяблаг” лагери аҳолиси учун “Маданий-тарбиявий бўлим бюллетени” нашр қилинган. Шунингдек, меҳнат армиячилари турадиган ётоқхоналарда миллий тилларда деворий газеталар чиқариш ҳам урф бўлган.

Даврий матбуотдан ташқари ўзбек, тожик ва туркман тилларида граммофон пластинкаларини эшитиш ҳам мумкин эди [4].

Оммавий-тарғиботларни жонлантириш ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида “рус тилини биладиган ўзбек, қozoқ, тожик ва бошқа миллатлар орасидан тарғиботчилар ва оммавий тадбирларни олиб боровчилар шакллантирилган”. Улар учун ташкил қилинган икки ҳафталик ўқув курсларида “Ўзбекистон меҳнаткашларининг жаҳон урушида иштироки ҳақида”, “Иттифоқ халқлари дўстлиги”, “Сталин Урали - Қизил Армиянинг қудратли арсенали” каби мавзуларда маърузалар асосида корхоналарда ўзбек ва қozoқ тарғиботчилари учун қисқа муддатли семинарлар ўтказилган. Меҳнат армиячилари орасидан тарғиботчилар ва оммавий ишларни олиб боровчиларни тайёрлаш учун ВКП(б) Челябинск вилояти партия кўмитасининг тарғибот ва ташвиқот бўлими 54 соатлик дастур ишлаб чиқиб, унинг 40 соати маъруза ва 14 соати суҳбат учун ажратилган.

Оммавий-сиёсий тарғиботларни самарали бажариш мақсадида тайёрланган айрим маърузачилар ҳатто асосий иш жойларидан ҳоли қилиниб, ишлаб чиқариш ишларидан озод қилинган. 1944 йилнинг мартига келиб Челябинск вилоятининг 19 та корхонасида 23 та ишдан озод қилинган тарғиботчи фаолият юритган. Чкалов вилояти Новотроицк саноат майдонидаги меҳнат жамоаларида қozoқ ва ўзбек миллатига мансуб бўлган 44 нафар тарғиботчи ишлаганлиги, шулар жумласидан.

ВКП(б) МҚ кўрсатмаси бўйича Жанубий Уралдаги тарғибот ишларида Ўрта Осиё компартиялари вакиллари ҳам жалб қилинган. ВКП(б) МҚ котибиятининг 1943 йил 10 майдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистондан 29 нафар партия ходимлари танлаб олиниб, улар билан махсус семинар ўтказилиб, асли ўзбекистонлик бўлган меҳнат армиячилари билан сиёсий-тарбиявий ишларни олиб бориш учун Свердловск, Челябинск ва Чкалов вилоятларига жўнатилганлар [5].

1944 йилнинг биринчи чорагида Челябинск вилояти корхоналарида Қozoғистон, Туркменистон ва Ўзбекистон компартияси МКнинг учтадан вакили ва Қирғизистон компартияси МК нинг 5 нафар вакили ушбу ишларда банд бўлган. Сафарбар этилган ўрта осиелик ишчилар билан жойларда иш олиб боришда Ўрта Осиё республикаларининг машҳур бўлиб улгурган ва ўқувларида 1000 нафаргача ишчилар бўлган Фахриддинов каби воизлар номлари машҳур бўлган. Улар орасида, қирғиз Фотима Мамиралиева, туркман Д.Хусимавоиз, ўзбек Юсупов, ўзбек ва қozoқ тилларини биладиган Селимонов кабиларни санаш мумкин [6].

Шунга қарамасдан барча корхоналарда ҳам бу каби тадбирлар, китоб мутолааси ва матбуотчи билимдонлар ўқувлари ташкил қилинмаган. Жумладан, “Магнитстрой” трестида меҳнат армиячиларининг ётоқхоналари ва чойхонада доимий бириктирилган тарғиботчилар бўлмаганлиги сабабли меҳнаткашлар орасида тарғибот ишлари олиб борилмаган. Шунингдек, Медногорск шахрида сульфат кислота заводида ҳам меҳнат армиячиларининг ётоқхоналарида сиёсий-тарбиявий ишлар олиб борилмаслиги ва газеталар ўқилмаслиги аниқланган. Чкалов паровоз таъмирлаш заводида сиёсий-тарғибот ишларига Қизил армия ҳарбий хизматчилари жалб этилган. Улар 1943 йилнинг апрел-август ойларида ишчилари билан йигирма олти марта “уруш кунларида Иттифоқ халқларининг дўстлиги - ғалабамиз гарови”, “жорий ҳолат тўғрисида” каби мавзуларида суҳбатлашилган. Ҳар бир чиқишларда ўртача 200 нафар Ўзбекистон ва Қozoғистон ишчилари иштирок этганликлари манбаларда қайд этилган. [7].

Бу каби ҳолатлар “Южуралтяжстрой” трестининг №516-завод қурилишида ишлаётган ўзбек ва қозоқлар орасида ҳам ташкил қилинмаган, миллий тиллардаги газеталар етиб бормаган, совет-герман frontiдаги ҳарбий ҳаракатлар тўғрисида суҳбатлар ўтказилмаган.

Маданий-оқартув ишла орасида қурилиш отрядлари клубларида миллий театр-музыка тўғараклари фаолияти ҳам йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Меҳнат армиячилари зич яшайдиган жойларда ўз миллий музыка асбобларига, чиқишларига эга бўлган ҳаваскорлик жамоалари тузилган. Бунга Челябинск қурилиш бошқармасининг №5-қурилиш отрядини мисол қилиш мумкин.

Ўрта Осиё меҳнат армиячиларидан ташкил топган миллий ҳаваскорлик ижодий жамоалари қурилиш ва саноат корхоналаридаги миллатдошлари маданий чиқишлар қилганлар. “Магнитстрой” трестида Раимбеков раҳбарлигида меҳнат армиячиларидан иборат қозоқ-ўзбек ансамбли тузилган. Ижодий жамоа 1945 йил 23-24 март кунлари Челябинск вилояти саноат корхоналарининг ҳаваскорлик хорлари ва вокалчилари танловида иштирок этган ва ҳакамлар томонидан “...миллий қўшиқларнинг энг яхши ижроси ва ҳақиқий бадиий безак” номинациясида эътироф қилинган. 1943 йилнинг баҳорида Чкалов вилоятидаги ишчилар учун Тошкент республика филармонияси артистларининг концерт дастурлари намойиши ташкил қилинган.

Бундан ташқари Челябинск, Копейск, Златоуст ва Магнитогорскда меҳнат қиладиган ишчилар учун “Азамат”, “Насриддин Бухорода” филмлари намойиши ҳам ташкил қилинган.

1944 йилда Челябинскдаги ишчилар учун завод Маданият саройида ўзбек санъаткори Тамарахоним иштирокида концерт-учрашуви ҳам ташкил қилинган.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, 1941-1945 йиллар давомида Ўзбекистонлик “меҳнат армиячилари” ўртасида олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари Иккинчи жаҳон уруши даврида Иттифоқининг барча аҳоли қатламлари орасида ташкил қилинган кенг миқёсдаги тадбирларнинг кичик бир қисми бўлган эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. ГАРФ (Россия Федерациясининг Давлат архиви). Фонд - 9517, рўйхат -1, иш-26, 28-31-варақлар.
2. ОГАЧО (Челябинск вилояти бирлашган давлат архиви). П-288-фонд, 8-рўйхат, 261-йиғма жилд, 56-варақ.
3. РГАСПИ (Россия ижтимоий-сиёсий тарихи давлат архиви). 17-фонд, 122-рўйхат, 50-йиғма жилд, 14-варақ.
4. РГАСПИ. 17-фонд, 122-рўйхат, 50-йиғма жилд, 38, 44-варақлар.
5. РГАСПИ. 17-фонд, 122-рўйхат, 50-йиғма жилд, 14-варақ.
6. ЦДННАО (Оренбург вилояти Марказий хужжатлар давлат архиви). 371-фонд, 7-рўйхат, 25-йиғма жилд, 33-варақнинг орқа томони.
7. ЦДННАО. 371-фонд, 8-рўйхат, 50-йиғма жилд, 61-варақ.

СУФИЙСКАЯ КОНЦЕПЦИЯ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ О НЕОБХОДИМО СУЩЕМ (ВОЖИБ-УЛ-ВУЖУД) Шамсутдинова Нигина Каримовна, Доктор философских наук, доцент кафедры общественных наук Навоийского государственного университета, Узбекистан.....	31
ABU RAYHON BERUNIY ILMIY-MA'NVIY MEROSINING YOSHLAR TARBIYASIDA TUTGAN O'RNI Djurakulov Xusan Anvarovich, O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi huzuridagi Malaka oshirish markazining Samarqand viloyati mintaqaviy filiali, falsafa fanlari doktori (DSc), dotsent.....	36
BERUNIYNING TA'LIMIY VA AXLOQIY QARASHLARINING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI R.M.Qarshiyev- Navoiy davlat universiteti dotsenti, tarix fanlari nomzodi.....	37
ЎЗБЕКИСТОНЛИК “МЕҲНАТ АРМИЯЧИЛАРИ”НИНГ МАЪРИФИЙ- ТАРҒИБОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ Курбанов Хуршид Раупович- Навоий давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди.....	39
TEXNOGEN SIVILIZATSIYA RIVOJLANISHIDA MUHAMMAD AL-XORAZMIYNING O'RNI Ochilov Jamshid Abdurashidovich- O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi huzuridagi Malaka oshirish markazining Samarqand viloyati mintaqaviy filiali direktori, falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.....	43
MARKAZIY OSIYO ILMIY, MADANIY MEROSINI O'RGANISHDA DISSIMMETRIK YONDASHUVNING O'RNI Bekpo'latov Ulug'bek Rahmatulla o'g'li- Navoiy davlat universiteti doktoranti, f.f.f.d. (PhD), dotsent.....	45
СИНТЕЗ ТРАДИЦИЙ ВОСТОЧНОЙ ФИЛОСОФИИ НАУКИ И СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В РАЗВИТИИ НАУЧНОГО ПОЗНАНИЯ Филиппов Ольгерд Александрович- Доктор философии по философским наукам (PhD), Навоийский филиал НУВО “PROFI UNIVERSITY”.....	47
МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАССАВУФЛАРИ ИЖОДИДА ИНСОН МОҲИЯТИ ТАЛҚИНИ Бозоров Мустафо Жабборович- Самарқанд давлат чет тиллар интитуту “Гуманитар фанлар ва ахборот технологиялари” кафедраси профессори, фалсафа фанлари номзоди.....	51

ЭВОЛЮЦИЯ ОНТОЛОГИЧЕСКИХ И ГНОСЕОЛОГИЧЕСКИХ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ О
ЦИВИЛИЗАЦИИ В КОНТЕКСТЕ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ
СИСТЕМ ТЮРКСКИХ СТРАН

Джураев Аваз Ахмеджанович-

Кандидат философских наук, доцент кафедры

«Гуманитарных и социальных наук» Ангренского Университета, Узбекистан

Джураева Нигора Авазовна-

факультет Социальных наук, кафедра «Философия»- старший преподаватель, PhD

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, Узбекистан.....53

РЕЛИГИОЗНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ В ДУХОВНОМ НАСЛЕДИИ
МЫСЛИТЕЛЕЙ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Марданова Ф.Б.-

док.философ. (PhD) доц. кафедры русского языка и литературы НГУ. Узбекистан.....57

MONIYATI VA TUZILMASI

Sh.S.Boboyorov –

NavDU Tarix kafedrasi dotsenti.....60

THE INFLUENCE OF INFORMATION ETHICS ON THE SPIRITUAL
UPBRINGING OF YOUTH

Tilavova Umida Kakhramonovna, Phd

The Department of Social Sciences Navai State University.....62

SHAXSNING HAYOTIY MAKONI IJTIMOIYLASHUV MAKONI SIFATIDA

Shukurov Akmal Sharofovich-

O‘zMU, “Falsafa” kafedrasi katta o‘qituvchisi, falsafa fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD).....64

ИСТОРИЧЕСКИЙ ОБЗОР НАУЧНОГО И ДУХОВНОГО НАСЛЕДИЯ

Раджапова Наталья Базаровна-

Термезский государственный университет кафедра русского языкознания PhD.....67

ALISHER NAVOIY TASAVVUFIIY G‘OYALARINING MA’NAVIY VA
INTELLEKTUAL MONIYATI

Turobov Bekpulat Nusratullayevich-

Samarqand davlat chet tillar instituti, Gumanitar fanlar kafedrasi dotsenti, PhD.....72

QORAXONIYLAR DAVLATI TARIXINI O‘RGANISHDA MAHMUD KOSHG‘ARIY
MA’LUMOTLARINING AHAMIYATI

Sayfullayev Behruz Dilshod o‘g‘li-

Toshkent xalqaro moliyaviy boshqaruv va texnologiya universiteti “Ijtimoiy-gumanitar fanlar
va tarix” kafedrasi mudiri, tarix fanlari bo‘yicha (PhD)

Maxmudov Bexzod Xamidovich-

Toshkent xalqaro moliyaviy boshqaruv va texnologiya universiteti “Ijtimoiy-gumanitar fanlar
va tarix” kafedrasi dotsenti, tarix fanlari nomzodi73